

1/2025,
yanvar-
fevral
(№ 00075)



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ХУДУДИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ ТАРАҚИЁТИГА ТАЪСИРИ

Камалов Ойбек Кудобаевич

Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил изланувчиси

ORCID: <https://orcid.org/0009-0001-6485-1889>

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol13_iss1/650

Аннотация

Мақолада Қорақалпоғистонда тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар таҳлил қилиниб, уларнинг ҳудудий иқтисодиётни тараққиётига таъсири ёритилган. Ва Қорақалпоғистонда тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш истиқболлари борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: ҳудудий тараққиёт, тадбиркорлик фаолияти, кичик бизнес, ялпи ҳудудий маҳсулот.

THE EFFECT OF FINANCIAL SUPPORT OF BUSINESS SUBJECTS ON THE DEVELOPMENT OF THE REGIONAL ECONOMY IN KARAKALPAZISTAN

Kamalov Oybek Kudabaevich

Researcher at the Tashkent State University of Economics

Abstract

The article analyzes the measures implemented in Karakalpakstan regarding the financial support of business entities, and their impact on the development of the regional economy is highlighted. And proposals and recommendations were developed regarding the prospects of financial support for business entities in Karakalpakstan.

Key words: regional development, entrepreneurship, small business, gross regional product.

ВЛИЯНИЕ ФИНАНСОВОЙ ПОДДЕРЖКИ СУБЪЕКТОВ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА НА РАЗВИТИЕ РЕГИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКИ В КАРАКАЛПАЗИСТАНЕ

Камалов Ойбек Кудобаевич

Соискатель Ташкентского государственного экономического университета

Абстракт

В статье анализируются меры, реализуемые в Каракалпакстане по финансовой поддержке субъектов предпринимательства, и выделяется их влияние на развитие экономики региона. А

также были разработаны предложения и рекомендации относительно перспектив финансовой поддержки субъектов предпринимательства в Каракалпакстане.

Ключевые слова: региональное развитие, предпринимательство, малый бизнес, валовой региональный продукт.

Кириш

Қорақалпоғистон Республикаси ўзига хос Ўзбекистоннинг ажралмас ҳудуди ҳисобланади. Ўзбекистон иқтисодий тараққиётининг янги босқичида ҳудудни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича сезиларли чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилган. “Қорақалпоғистон иқтисодиётини кўтаришга, одамларнинг турмуш сифатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Сўнги етти йилда ҳудудда мисли кўрилмаган ўзгаришлар рўй берди. Авваллари 15 та тумандан 12 таси дотацияда бўлган Қорақалпоғистон ўз даромадига эга бўлган ҳудудга айланди. Хусусан, 15 триллион сўм инвестиция ҳисобига 5 минг 300 дан зиёд лойиҳа амалга оширилди. Орол денгизининг қуриган ҳудуди ўрнида 1 миллион 800 минг гектар яшил ўрмонзор барпо этилди. 51 минг оиланинг уй-жой шароити яхшиланди, 401 та маҳаллада қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Аҳолининг турмуш даражаси ошди. ... бу ишларни янги босқичга кўтариш мақсадида сўнги икки йилда Қорақалпоғистонда саноат, қишлоқ хўжалиги ва тадбиркорликни ривожлантириш, маҳаллалар инфратузилмасини яхшилашга доир 7 та фармон ва қарор қабул қилинди. Бу мақсадлар учун 400 миллион АҚШ доллари ва 250 миллиард сўм ажратилди”¹ деб таъкидланди.

Қорақалпоғистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиш тенденциясини баҳолашканмиш, алоҳида қайд этиш ўринлики, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ҳудудга Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ҳукумати ва тегишли молия-кредит институтларидан алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан “Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг қишлоқ хўжалиги корхоналари, шу жумладан фермер ва деҳқон хўжаликлари, шунингдек жисмоний шахслари вақтинча, 2001 йилда ягона ер солиғи ҳамда сув тақчиллиги туфайли 2001 йилда қишлоқ хўжалиги экинлари экиш учун фойдаланилмайдиган ерлар бўйича ер солиғи тўлашдан озод этилган”². Шунингдек, 2001 йилда “тижорат банклари ва бюджетдан ташқари жамғармаларга:

сув тақчиллигидан зарар кўрган туманларда янги иш ўринлари ташкил этиш учун кичик ва ўрта бизнес субъектларига тайёрланган бизнес-режалар (техник-иқтисодий асослашлар)га мувофиқ биринчи навбатда микрокредитлар ажратилишини таъминлаш;

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг қишлоқ хўжалиги корхоналарига, шу жумладан сув тақчиллиги туфайли қишлоқ хўжалиги экинлари ўстириш имкониятига эга бўлмаган фермер ва деҳқон хўжаликлари, жисмоний

¹ Қорақалпоғистон Республикасини иқтисодий ривожлантириш ва иш ўринларини кўпайтириш чоралари муҳокама қилинди. 2024 йил 10 январь. <https://president.uz/uz/lists/view/6964>

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 8 июндаги 249-сон “Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳамда сув тақчиллиги оқибатларини енгиллаштириш тўғрисида”ги қарори.

қолмоқда, бу эса аҳоли истеъмол талабларини қондиришда муаммоларни келтириб чиқармоқда; хом-ашёни чуқурроқ қайта ишлашга эътиборнинг йўқлиги; бой салоҳиятга қарамасдан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш жуда паст”⁶.

Бизнингча, Қорақалпоғистонда тадбиркорлик субъектларининг молиявий қўллаб-қувватлашга оид, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ҳудудий тараққиётга таъсири бўйича тадқиқотлар жуда кам амалга оширилган. Ҳудудни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган ислохотларнинг муайян даврдаги ижроси тадқиқ қилиш, келгусида ҳудудларни янада ривожлантириш бўйича аниқ натижага йўналтирилган ислохотларни белгилаш ва уни изчиллик билан амалга ошириш омили бўлиб хизмат қилади.

Таҳлил ва натижалар

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш чора-тадбирлари дастури қабул қилинди. Мазкур дастурни молиялаштириш манбаларини қуйидаги 1-жадвалда келтирилган маълумотлар асосида таҳлил қиламиз.

1-жадвал

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш бўйича чора-тадбирлар дастурига сарфланган маблағлар⁷

Молиялаштириш манбалари	Миқдори, млрд.сўм	Фоиз	Миқдори, млн.доллар	%
Республика бюджети маблағлари	11,0	3,4	-	
Маҳаллий бюджет маблағлари	20,7	6,4	-	
Тижорат банклари кредитлари	75,5	23,5	102,0	82,0
Мақсадли жамғармалар маблағлари	144,3	44,9	-	
Тадбиркорларнинг ўз маблағлари	34,7	10,8	-	
Халқаро молия институтлари маблағлари	-	-	10,5	8,4
Бошқа маблағлар	35,5	11,0	12,0	9,6
Республика бўйича жами:	321,7	100,0	124,5	100,0

Келтирилган 1-жадвалга кўра, Қорақалпоғистон ҳудудларини ривожлантиришга миллий валюта сўмда 124,5 млн.АҚШ доллар ажратилган бўлса, шундан 102,0 млн.АҚШ доллари ёки 82 фоизи тижорат банклари кредитлари, 10,5 млн.АҚШ доллари ёки 8,4 фоизи халқаро молия институтлари маблағлари, 12,0 млн.АҚШ доллари ёки 9,6 фоизи бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштирилиши белгиланган.

⁶ Назарбаев О. Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясини шакллантириш ва амалга ошириш механизмлари. – Тошкент: «Фан», 2013. – 152 б.

⁷ Муаллиф ҳисоб-китоби (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 17 январдаги 15-сон “Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарори 1-илоvasи (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 сентябрдаги 740-сонли қарори таҳририда – ЎР ҚХТ, 2017 й., 38-сон, 1049-модда) асосида.

Шунингдек, мазкур Дастурни амалга оширишга миллий валюта сўмда – Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан 11,0 млрд.сўм ёки жами миллий валютада ажратилган маблағларнинг 11 фоизи, Қорақалпоғистон Республикаси маҳаллий бюджетидан 20,7 млрд.сўм ёки 6,4 фоиз; тижорат банклари кредитлари 75,5 млрд.сўм ёки 23,5 фоиз; давлат мақсадли жамғармалари маблағлари – 144,3 млрд.сўм ёки 44,9 фоиз; ташаббускорлар тадбиркорлар маблағлари – 34,7 млрд.сўм ёки 10,8 фоиз; бошқа маблағлар – 35,5 млрд.сўм ёки 11,0 фоизи маблағ билан таъминланади.

Мазкур сарфланган маблағлар Қорақалпоғистон ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш бўйича чоратадбирлар дастурини молиялаштиришга йўналтирилган бўлиб, дастурнинг устувор йўналишлари сифатида қуйидагилар белгиланган. Жумладан:

“иқтисодий ва ижтимоий соҳани кенг ривожлантириш, ҳудудларнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари барқарорлигини таъминлаш, туман, шаҳар ҳамда ҳудуднинг маҳаллий бюджетларидаги субвенция улушини қисқартириш ва бартараф этиш;

кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, улар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва эркинликлари кафолатларини таъминлаш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, янги корхоналар, шу жумладан, кичик ва хусусий тадбиркорлик йўналишида корхоналар ташкил этиш;

ҳудудларда ва тармоқ корхоналарида саноат ишлаб чиқариши, хизмат кўрсатиш лойиҳаларини ҳамкорликда амалга ошириш учун тижорат банклари кредитлари, чет эл ва маҳаллий инвестицияларни кенг жалб этиш ҳисобига иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш;

қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, кўп тармоқли фермер хўжалиklarини молиявий қўллаб-қувватлаш, мазкур соҳани индустриалашган тармоққа айлантириш мақсадида қишлоқ хўжалигининг барча турдаги маҳсулотларини қайта ишлашни ташкил қилиш;

ишлаб чиқарилган маҳсулотлар турини ва ҳудудий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини ошириш, янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш ҳамда уларнинг янги бозорларга экспорт қилинишини таъминлаш;


қурилиш, ободонлаштириш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш ҳисобига аҳолига намунали ҳамда сифатли хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш;

янги иш ўринлари яратиш ва аҳолининг турли қатламлари бандлиги масалаларини ҳал этиш ҳисобига инсон манфаатларини таъминлаш, айниқса қишлоқ жойларда аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, янада фаровон ҳаёт кечирishi учун мустаҳкам замин яратиш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, айниқса оналик ва

болаликни муҳофаза қилиш, маънавий-маърифий ишлар ҳамда ёшлар сиёсати масалаларини изчил ҳал этиш”⁸.

Бунинг натижасида ҳудудда бўлган ўзгаришларни, айнан тадқиқот мавзумиз бўлган тадбиркорлик субъектларини ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги иштирокини қўйидаги жадвал маълумотлари асосида таҳлилларни давом эттирамиз. Хусусан:

Ҳудудий ялпи ички маҳсулотнинг жорий нархларда ўзгариш динамикасини 1-расм маълумотлари асосида кўриб ўтамиз.



1-расм. Қорақалпоғистон Республикаси жорий нархларда ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўзгариш динамикаси, млрд.сўм ҳисобида⁹

1-расм маълумотларига кўра, 2023 йилда 2016 йилга нисбатан ялпи ҳудудий маҳсулот қарийб 4 баробарга ўсиб, 32916,1 млрд.сўмни ташкил қилган. Мазкур ўсишни юқоридаги дастурда белгиланган вазифаларни тизимли равишда оғишмай бажариш натижасида содир бўлганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар натижадорлигини ошириш мақсадида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган субъектлар сонининг барқарор ошиб боришига эришиш муҳим саналади. Қорақалпоғистон Республикасида ташкил этилган, янгидан фаолияти йўлга қўйилган саноат корхоналари билан бирга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар сонининг ортиши ҳам туртки бўлган. Буни 2-жадвал маълумотлари асосида таҳлил қиламиз.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 17 январдаги 15-сон “Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарори.

⁹ Муаллиф ишланмаси (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/national-accounts-2> сайти маълумотлари асосида).

2019-2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасида тадбиркорлик субъектлари сонининг ўзгариш динамикаси, дона ҳисобида¹⁰


Т/р	Ҳудуд номи	2019 йил		2020 йил		2021 йил		2022 йил		2023 йил	
		Ж	ЯТЭ	Ж	ЯТЭ	Ж	ЯТЭ	Ж	ЯТЭ	Ж	ЯТЭ
1	Нукус ш.	8398	2208	10054	2069	11203	2093	12664	2029	13784	2572
2	Амударё	2485	676	3021	760	3021	566	3407	697	4015	855
3	Беруний	2912	822	3477	873	3951	937	4661	966	5403	1068
4	Кегейли	951	310	332	208	438	173	527	114	638	121
5	Қўнғирот	2283	627	1051	368	1190	365	1460	290	1979	516
6	Канликул	663	212	2730	748	2824	538	3152	643	3668	812
7	Мўйноқ	573	248	863	360	901	258	1002	200	1309	369
8	Нукус т.	1049	293	774	266	910	302	998	170	1187	255
9	Тахтақўприк	518	158	1245	329	1428	304	1727	330	2064	459
10	Тўртқўл	3997	985	653	237	687	245	793	191	1011	292
11	Хўжайли	2325	679	4335	900	4637	735	5179	735	5517	856
12	Чимбой	1397	425	2839	752	3211	757	3640	706	3617	763
13	Шуманай	626	185	1887	618	2130	552	2464	486	2726	592
14	Элликқалла	2030	503	738	266	835	207	971	174	1265	359
15	Кораўзяк	737	205	2456	555	2614	592	3039	652	3662	849
16	Тахиятош	951	304	853	196	989	235	1178	228	1370	306
Жами		31895	8840	38403	9852	42085	9103	48215	8916	54785	11424

Изоҳ: Ж – жами хўжалик субъектлари сони (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз); ЯТЭ – янгидан ташкил этилган юридик ва яқка тартибдаги тадбиркорлар сони.

Келтирилган 2-жадвал маълумотларига кўра, 2023 йилда 2019 йилга нисбатан жами хўжалик юритувчи субъектлар сони 22890 тага кўпайган, шундан янгидан ашқил этилган тадбиркорлиқ субъектлари сони 2584 тага ортган. Лекин, янгидан ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 2022 йилда 2021 йилга нисбатан 187 та кам ташкил этилган. Мазкур камайиш 2022 йилда 2021 йилга нисбатан Нукус шаҳрида - 64 та; Кегейли туманида – 59 та; Қўнғирот туманида – 75 та; Мўйноқ туманида – 58 та; Нукус туманида – 132 та; Тўртқўл туманида – 54 та; Чимбой туманида – 51 та; Шуманай туманида – 66 та; Элликқалла туманида – 33 та; Тахиятош туманида – 7 та тадбиркорлик субъектларини фаолияти кам йўлга қўйилганлиги билан изоҳланади.

Қорақалпоғистон Республикасида тадбиркорлик субъектлари фаолит соҳаларини 2-расм асосида таҳлил қиламиз.

¹⁰ Муаллиф ишланмаси (Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодий ва молия вазирлиги ҳисобот маълумотлари асосида).



2-расм. Қорақалпоғистон Республикасида тадбиркорлик субъектларининг соҳалар кесимида фаолияти тақсими¹¹

Келтирилган 2-расм маълумотларини таҳлил қилган ҳолда айтиш мумкинки, Қорақалпоғистон Республикасида чакана савдо фаолияти кенг ривожланган бўлиб, жами тадбиркорлик субъектларининг 56 фоизи айнан ушбу соҳада фаолият олиб бормоқда. Маиший хизмат кўрсатиш фаолиятида – 7 фоиз, хунармандчилик фаолиятида – 9 фоиз; бошқа фаолият турларида – 28 фоиз.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни, туризм фаолиятини кенгроқ ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга. Сабаби Қорақалпоғистон Республикасида дунёга машҳур Савицкий музейининг жойлашганлиги, гастронимик туризмни ривожлантириш имконияти мавжуд. Бунинг учун инфратузилмани яхшилаш алоҳида аҳамиятга эга.

Хулоса

Юқоридагилардан умумий хулоса қиладиган бўлсак, Қорақалпоғистон Республикасида туман ва шаҳарлари кесимида тадбиркорлик фаолияти нотекис ташкил этилган. Мазкур ҳолатнинг бир қанча сабаб ва омиллари мавжуд. Шу боис, бизнинг фикримизча:

Биринчидан, тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш мақсадида коммунал тўловлар, айнан иссиқхона хўжаликларига табиий газ бўйича тўловни ўз вақтида амалга оширмаганлик учун пеня суммаси ҳисобламаслик мақсадга мувофиқ бўларди;

¹¹ Муаллиф ишланмаси (Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳисобот маълумотлари кесимида).

